

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ДЕҲҚОННИНГ ҲАРАКАТИ — БУҒДОЙЗОРЛАР БАРАКАСИ

Вилотимизда ғалла ўрими бошланди. Шу муносабат билан Бекобод туманининг "Авангард" ҳудудида семинар бўлиб ўтди. Унда вилот ҳоқимлиги, прокуратура, ички ишлар ва кишлок ҳўжалиги бошқармалари, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда бошқа қатор ташкилотларнинг масўул ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган вилот ҳоқими вазиасини бажарувчи Рустам Холматов мавсумни қисқа фурсатларда, сифатли яқунлаш, миришкорларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига етиштирилган бугдойни нест-нобуд қилмасдан, талафотсиз йиғиб олиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб, барчани бу жараёнга ҳамжиҳатлик ва масўулият билан ёндашишга чақирди.

Мавсум



Семинарда мавсум давомида комбайн ва техникаларнинг созлигини таъминлаш, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш, ёқилги маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш масалалари муҳокама қилинди ҳамда бу бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Тадбир якунида кексалар қўлларини дуога очиб: "Ҳосилнинг баракасини берсин, эл-юрт хирмони юксалсин", дея тилак билдиришди.

Шундан сўнг комбайнлар дала томон йўл олди.

"Акмалжон Адхамжон фэйз агро" фермер ҳўжалигидамиз. Бу ерда 37 гектар майдонда ғалла парваришланди. Режа бўйича 94 тоннага яқин дон топшириш кўзда тутилган.

— Ҳосилдан умидимиз катта, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Акмал Султонов. — Бу йил бугдойнинг давлат харид нархи олдинги мавсумларга қараганда анча юқорилигини инobatга олсак, даромадимиз чакки бўлмайди.

Юртимизнинг ёши улуглари дуо қилишганда, бировни алқаганда: "Уйингга бугдой тўлсин", дейишди. Негаки, бугдой — тўқчилик, фаровонлик белгиси. Дарҳақиқат, ғалладан қанчалик кўп хирмон уйсак, ҳаётимиз фаровонлашиб бораверади.

Ўз мухбиримиз

Шерзод ҚОБУЛОВ олган суратлар

Сайёр қабул

Паркент туманида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг дарду ташвишига малҳам бўлиш, кўмакка муҳтож, кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган фуқароларга ёрдам қўлини чўзиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди. Унда вилот давлат солиқ бошқармаси, сектор раҳбарлари, тегишли ташкилот масўуллари ҳамда барча туман ва шаҳарлардан келган фуқаролар иштирок этди.

150 ТА МУАММО ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Қабул давомида мутасаддилар аҳоли мурожаатлари, уларни қийнаб келаётган муаммолар ва шикоятларни тинглашди. Тегишли ташкилот раҳбарлари ва масўулларга мурожаатларни кўриб чиқиш, муаммоларни тезроқ ҳал этиш борасида топшириқлар берилди. Айрим мурожаатлар шу жойинг ўзида ечимини топди.

Жумладан, 4 нафар фуқаро туман кадастр бўлимига ўзлари яшаб турган уй-жойларига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ҳужжатларини олиш мақсадида бир неча маротаба мурожаат қилгани, аммо ҳанузгача масала ечимини топмаётганини таъкидлашди. Мазкур масала жойида ҳал этилди.

— Икки йилдан бери ўз уйимга эгалик қилолмай юргандим, — дейди нурафшонлик Гавҳар Холматова. — Бугунги мурожаатимдан сўнг, бир соатнинг ичида муаммоимни ҳал қилиб беришди. Мана, кадастр ҳужжатлари қўлимда. Жудаям хурсандман.

Шунингдек, сайёр қабулда бир қанча эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатилди. Хусусан, Нурафшон шаҳри, Ойбек маҳалласи, 55-уйда яшовчи фуқаро Зулҳумор Саримсоқованинг турмуш ўртоғига ногиронлик аравачаси ва даволаниши учун ордер, "Учкун" маҳалласи, 34-уйда истиқомат қилувчи Бурхон Холдоровнинг 2 нафар ногирон фарзандига дори-дармон, шу маҳалладаги 7-уйда яшовчи Собира Агзамовага газ ҳисоблагич, Зангиота тумани, "Саховат" маҳалласида кам таъминланган Муҳаммад Бекитов оиласига телевизор берилди. Бундан ташқари, Қибрай, Тошкент, Юқори Чирчиқ, Қўйи Чирчиқ туманлари ва Оҳангарон шаҳридан келган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган яна 5 нафар ногиронлиги бўлган фуқарога ногиронлик аравачалари, микротўлқинли печь ва совутгичлар топширилди.

— Мазкур қабулда 242 нафардан ортиқ фуқаро 198 та муаммоли масалалар билан мурожаат этди, — дейди вилот давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Алимжон Файзибоев иштирок этди.

Вилот давлат солиқ бошқармаси жамоатчилиги билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шўъбаси

ТАДҚИҚОТЧИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ



Юртбошимиз иштирокида жорий йилнинг 24 май кунини Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган учрашувда олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди.

Кунини кеча Тошкент давлат аграр университетининг селекция ва уруқчилик ихтисослиги бўйича таянч докторантуранинг 1-курсда таҳсил олаётган Рустамов Назар Сарвар ўғлига "Президент совғаси" сифатида Тошкент шаҳри, Сергели туманидан уй совға қилинди.

«ҚАЛДИРҒОЧ» ПАРВОЗГА ШАЙ

Оҳангарон шаҳрининг "Нўғойқўрғон" маҳалласи ҳудудида жаҳон амалиётидаги илғор конструкцияли технология асосида барпо этилган "Қалдирғоч" давлат мактабгача таълим муассасаси республикамиздаги бу типдаги 1-эксперимент муассаса ҳисобланади. Маҳаллада бунёд этилган янги кўп қаватли уйлар яқинида қад ростлаган мазкур 14-сонли таълим даргоҳига кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Президентимиз вилотимизга қилган таширфлари чоғида "Қалдирғоч" тарбияланувчилари билан учрашганлари болажонлар учун энг эсда қоларли дамлар бўлди. Давлатимиз раҳбари мазкур муассаса тарбияланувчилари келгусида юртимиз қорига ярайдиган муносиб инсонлар бўлиб етишишларига тилак билдирди.

Шерзод ҚОБУЛОВ олган сурат



«ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

Мазкур шиор остидаги маданият ва дўстлик фестивали вилот босқичининг якуний гала-концерти Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида бўлиб ўтди.

Фестиваль

"Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурига асосан ўтказилган анжуманда вилотда фаолият кўрсатаётган 24 та миллий маданий марказ томонидан ҳунармандчилик ишлари намуналари кўргазмалари ташкил этилиб, уларда марказ фаоллари ва ёшларнинг ижод маҳсули бўлган рассомлик ва фото асарлар намоиш қилинди.

Концертда вилотимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакиллари, кенг жамоатчилик ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Гала-концерт иштирокчиларини вилот ҳоқими ўринбосари Ақром Қўчқоров қизгин кўтлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар, жамиятда ҳамжиҳатлик, миллатлараро бирдамликни таъминлашда мазкур фести-

валь катта аҳамият касб этишини таъкидлашди. Шунингдек, ҳудудда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш, миллий маданий марказлар учун янада қулай ва кенг имкониятлар яратиш уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши ҳақида гапирилди.

— Бундай тадбирлар инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида олиб борилаётган демократик ислохотларнинг ўзига хос кўзгусидир, — дейди Чирчиқ шаҳар корейс миллий



маданий маркази раиси Светлана Цай. — Тан олиш керакики, Ўзбекистон миллатлараро, маданиятлараро ва тиллараро бағрикенгликни амалда намоиш этишда дунёдаги энг илғор мамлакатдир.

Гала-концертда миллий маданий марказлар қошидаги фольклор жамоалари ўзларининг энг сара кўшик ва рақсларини намоиш этдилар. Улар томонидан ижро этилган шўх куй-қўшиқлар барчани рақсга чорлади. Шунингдек, вилотимиздаги таниқли санъаткорларнинг чиқишлари катнашчиларга завқ-шавқ бағишлади. Айниқса, Юқори Чирчиқ туманининг "Ажеле-ле-тўпи" қозоқ аёллар ансамблининг қўшиқлари кўпчиликка манзур бўлди.

Танлов гоилибларига вилот ҳоқимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

Муносабат

Аввал хабар қилганимиздек, 3 июнь кунини Нурафшон шаҳрида Президентимиз раислигида Тошкент вилоти фаоллари, ҳоқимлар ва секторлар раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўзи бевосита жойларга бориб, раҳбарларни юбориб, энг долзарб масалалар ҳал қилинаётгани, ҳамма жойда ўзгариш бўлаётгани, лекин Тошкент вилоти "уйғонмаётгани"ни таъкидлади.

ТАШАББУС БИЛАН ИШЛАШ — БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

"Вақт шиддат билан ўтапти. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ганимат. Биз сиёсатни белгилаб, янги-янги имкониятлар яратаяпмиз. Мутасаддилар қаттиқ талаб қилиб, қуйи тизимдаги раҳбарлар жон куйдириб ишлаб, натижани таъминлаш керак. Одамлар куруқ гапни кўтармайди. Тошкент вилотида эса жонланиш кузатилмаяпти. Қани рақобат, қани илм, қани натижа, қани ташаббус", дея мурожаат қилди Шавкат Мирзиёев йиғилиш иштирокчиларига.

Давлатимиз раҳбарининг аччиқ, аммо, адолатли гапларидан таъсирланган вилотдошларимиздан айримларининг фикрлари билан қизиқдик.

Шерали РАЖАБОВ, Бўка туманидаги "Саркор" фермер ҳўжалиги раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари фермер ҳўжалигимиздаги дала шийпонидида вилотимиз фермерлари, соҳа мутасаддилари билан самимий суҳбатлашди. Учрашувда туманимиз кластер тизимига тўлиқ ўтганлиги тилга олинди. Тан олишимиз керак, бу йилдан шу тизимга ўтганимиз анча кўл келди. Ёқилги-мой, ўғит ва уруғлар масаласида умуман муаммо йўқ. Бир сўз билан айтганда, тизимда ишни тўғри ташкиллаштирилгани сабабли ҳосилдорлигимиз шубҳа остида эмас.

Фермер ҳўжалигимизда 21 нафар ёшлар доимий, 30 нафар маҳалладошларим мавсумий иш билан таъминланган. 66,7 гектар ер майдонига пахта, 58,2 гектарига бугдой экканмиз. Ҳосилдорлиқнинг юқори бўлиши уруғлик навларга ҳам боғлиқ. Учрашувда Президентимиз бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Бу йил ҳўжалигимиз дала майдонларига пахтанинг янги, истиқболли "ЎзПТИ"-103 навидан экканмиз. Ҳосилдорлик 30-35 центнер бўлиши кутилапти. Очиги, бу қониқарли

натижа эмас. Агар олимларимиз вилотимиз иқлимига мос янги навларни яратса, ҳосилдорлиқни 50 центнергача ошириш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилаётганини таъкидламоқчи эдим. Давлатимиз раҳбари томонидан аграр соҳани диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспорт-боп маҳсулотлар етиштириш орқали фермерларнинг даромадини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар бизни ютуқлар, янги марралар сари ундамоқда. Натижада, юртининг ободлиги, Ватан равнақи, халқ маъмуриги йўлида астойдил жон куйдирадиган билимдон, сиёсий етук фермерлар сафи ортмоқда.

Бу, албатта, Ватанимиз тараққиёти йўлида қилинаётган эзгу ишлар, амалга оширилаётган ислохотлар мевасидир. Бугун фермер ўз билими, таҳрибасини ишга солса, фаровон ва бахтли турмуш кечириши аниқ.

Давоми 2-бетда ➡



□ Бунёдкорлик

Йўл азобини йўл юриб, бошидан кечирган одам чуқур англайди. Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар туфайли янги, текис ва равион йўллар, кўприклар, вокзаллар қурилиб, сафарга чиққанларнинг узоғини яқин қилмоқда.

ЯНГИ ВОКЗАЛ – ҚУЛАЙЛИК

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга аввалги ташрифи чоғида белгилаб берган вазифалар асосида Ангрен шаҳрида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилган янги темир йўл вокзали ҳам аҳоли учун катта совға бўлди.

– Шаҳримизда замон талабларига жавоб берадиган иншоотнинг фойдаланишга топширилгани биз, ангреникларни беҳад қувонтирди, – дейди Ориф Отахонов. – Ана энди



қарилик гаштини суриб, замонавий поездларга ўтира-мизу мамлакатимиз қадам-

жоларини бемалол бориб кўраверамиз. Мазкур вокзал туфайли мамлакатимизнинг

исталган жойига тез ва беҳавотир етиб оладиган бўлди. Бу, айниқса, шаҳримиздан пойтахтга кунда-кунора қатнайдиغانлар учун айтиш мумкин бўлди. Бизни ҳайратга солган яна бир янгилик вокзалнинг очирилиш маросимида давлатимиз раҳбари мутасаддиларга поезд йўналишлари ва келиб-кейтиш вақтини белгилашда, албатта, нурунийларнинг фикрини инобатга олиш ва нарх-навои ўттиз фоизга пасайтиришга кўрсатма берганлари бўлди.

Афсуски, авваллари Ангренда вокзал йўқлиги боис, йўловчилар узоқ станцияларга боришга мажбур бўлардилар. Бу, айниқса, Ангрендан пойтахтга қатнаб тахсил оладиган талабалар учун анча ноқулайликлар туғдирарди.

Шу ерлик аҳоли ва туристларга катта қулайлик яратиш билан бир қаторда, шаҳар қиёфасига янада кўрк бағишлаган янги вокзалда бир вақтнинг ўзида юз йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Кутиш зали, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, овқатланиш ва савдо шаҳобчалари шулар жумласидан.

Ўз мухбиримиз



БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАСИГА МУДИР ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Бош вазирининг жойларда Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари иш бошлаганидан ҳабарингиз бор.

Куни кеча Ҳукуматнинг махсус фармойишига асосан мазкур қабулхоналарнинг ҳудудий бўлинмаларига раҳбарлар тайинланди.

Хусусан, Абилов Қахрамон Қобилжонович қабулхонанинг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий бўлинмаси мудири вазифасини бажаришга киришди.

Қайд этиш жоизки, Қ. Абилов маҳаллий ижро этувчи идораларда кўп йиллик тажрибага эга. У бир муддат Оккўргон туманида раҳбарлик ҳам қилган.

САВОЛ ЎРИНЛИ, ЖАВОБ ТАЙИНЛИ

Адлия бошқармаси ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманида вилоятимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш юзасидан сайёр қабул ташкил этилди.

Унга вилоят Марказий банки, Давлат солиқ бошқармаси мутасаддилари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтидан мутахассис ҳамда бепул юридик маслаҳат бериш мақсадида адвокат ва нотариус тақлиф этилди.

Сайёр қабулда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларида солиқ, банк, давлат грантлари ва бошқа масалаларда 80 яқин мурожаат келиб тушди.

Мурожаатларнинг барчаси атроф-лича ўрганилиб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ, ДУНЁНИ!

Қирай туманидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда "Дунёни берайлик, болажонларга!" шиори остида тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техника институти фахрий қоровулининг кўргазмали чиқиши ҳамда курсантларнинг қўл жанги намойиши тадбирга ййилганларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, институт курсантларининг "Алвон бетлар" бадий ҳаваскорлик ансамбли ҳамда эстрада хонандаларининг шўх кўшиқлари барчага кўтаринкилик бағишлади.



Тадбирда 2018 йилда Хитойда ўтказилган оғир атлетика бўйича паралимпия ўйинлари қолиби Рўза Қўзиёева ҳам иштирок этиб, болажонларга ҳурсандчилик улашди.

Шу кунги Ўзбекистон футбол ассоциацияси вакиллари томонидан болаларга қимматбаҳо совғалар тарқатилди, мактаб кутубхонаси учун 200 та бадий ва эрта китоб тақдим этилди.



Бутун Бўка тумани Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта ташаббус доирасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг намунали ҳудудига айланган.

Ҳудудда бешта ташаббуснинг ҳар бир банди асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақиқатан ҳам ҳаятда қўламли бўлиб, йиллар давомида соҳада ййилиб қолган ижтимоий муаммоларни бартараф этишга қаратилганлиги билан эътиборлидир.



ХОҲЛАНГ ТИКУВЧИ БЎЛИНГ, ХОҲЛАНГ ТЎҚУВЧИ...

Мазкур ташаббуснинг бешинчиси аёлларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга тўлақонли турмуш шароити яратиш беришга қаратилган. Эътиборли жиҳати, бу қорхоналарга биринчи навбатда боқувчисини йўқотган, турмуши оғир хотин-қизлар, шунингдек, кўп болали аёллар ишга жалб қилинмоқда.

Лойиҳа доирасида "Ўзбекпахтасаноат" акциядорлик жамияти томонидан Бўка туманидаги "Бўстон" маҳалласида қуриб битказилган "Bo'stonbarakachevarlari" тикувчилик қорхонаси ўз фаолиятини бошлади. Шу тариқа, маҳалла ҳудудида яшовчи 100 нафардан ортқ хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди.

– Қорхона Хитой ва Туркиянинг етакчи фирм ва компанияларида ишлаб чиқарилган 130 дан ортқ замонавий тикув машиналари ва бошқа зарур техника ҳамда ускуна-

лар билан жиҳозланган, – дейди қорхона раҳбари Қахрамон Мухамедов. – Бизда маҳсулот тайёрлаш жараёни тўлиқ механизациялаштирилган ва иш конвейер усулида шакллантирилган. Қорхонада ҳафтасига 6 кунлик иш тартиби белгиланган, шунингдек, ишчи-ҳодимларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган.

Ўзингизга маълум, фалон пуллик замонавий ускуналарни бошқариш учун ҳодимда етарли билим ва қўникма ҳам бўлиши керак-да. Шунини инобатга олган ҳолда, маҳаллий хотин-қизлар Бўстонлик туманида жойлашган "Wonderfull" масъулияти чекланган жамиятидан жалб қилинган 4 нафар мутахассис томонидан устоз-шогирд аънаъаси асосида тикиш, бишиш ва қадоклаш ишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилди.

Қорхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми экспортга мўлжалланган. Шунинг учун маҳсулот сифати доимо қатъий назоратдан ўтказилади. Бунинг учун "назорат столи" ўрнатилган бўлиб, бу жараён буюртмачи қорхона ҳодимлари иштирокида амалга оширишмоқда. Ҳозирги кунда "Full cotton" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Туркия қўшма қорхонаси буюртмачи сифатида ўсимир ёшидаги қиз ва ўғил болалар учун икки турдаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иштирок этмоқда. Маҳсулотлар Россия ва МДХ давлатларига экспорт қилинади.

Таъкидлаш кераки, бу катта ишнинг бошланиши. Келгусида Бўка туманининг қишлоқ жойларида "Ўзбекпахтасаноат" акциядорлик жамияти таъсисчилигида яна бир қатор қорхоналар барпо этиш режалаштирилган. Жум-

ладан, тўқувчиликка ихтисослашган "Ramadan Baraka Chevarlari" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қорхона биноси ҳам тўлиқ қуриб битказилди, айти пайтда бу ерда 65 та тикув машиналарини ўрнатиш ишлари якунланмоқда. Мазкур қорхона ишга тушгач, яна 150 нафардан ортқ маҳаллий хотин-қизлар доимий иш билан таъминланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги таъсисчилигидаги "Ho'jaqo'rg'on" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қорхона биносини қуриш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Иш икки сменада ташкил этилиши режалаштирилган қорхона фойдаланишга топширилгач, бу ерда хотин-қизлар учун 250 дан ортқ янги иш ўрни очилади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

ТАШАББУС БИЛАН ИШЛАШ – БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Аминжон ҚОДИРОВ, меҳнат фахрийси:

– Президентимизнинг вилоятимизга ташрифини телевизор орқали кўрдим. У киши вилоятимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги қорхоналар ва иш ўринлари яратиш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берди. Шахсан мени қувонтиргани, ташриф давомида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларга "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида жорий йилда 350 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича топшириқ берилгани бўлди. Агар талаб бўлса, яна қўшимча маблағ ажратилар экан.

Давлатимиз раҳбарининг: "Нима учун оилавий тадбиркорлик, уларда паррандачилик, қорвачилик, томорқачилик бўлсин деяпмиз. Одамларнинг даромади ошиши, тўлов қобилияти юқори бўлиши керак", деган фикрлари замирида ҳаётини ҳақиқат ётибди-да, аслида!

Ёшим 90 га яқинлашиб қолди. 40 йил трамвай йўлида уста бўлиб ишлаб, қуруқ ойликка кун кўрганмиз. Тўрт ўғил, уч қизни тарбиялаб,

уйли-жойли қилдим, ўқитдим. Айти пайтда 14 нафар набира, 22 чеваранинг бобосиман. Ишдан бўш вақтларимда оилавий тадбиркорлик қилиб, қўшимча даромад орттириш ҳаёлимизга келмаган. Сабаби, у пайтларда оилавий тадбиркорлик, деган гап бўлмаганда. Кимдир қўшимча иш билан шуғулланса маломатга қолиб, чайқовчи, олибсотар, деб дашном бериларди.

Энди мана шундай ёруғ кунларга етганимга шукр қиламан. Фарзандларим, набираларимга кўрган қийинчиликларимизни атайин сўзлаб бераман. Улар ҳозирги имкониятлардан унмол фойдалансин, дейман-да.

Қаранг, давлатимиз раҳбари ўзи бевосита жойларга бориб, халқимиз учун зарур бўлган масалаларни ҳал қилаётдилар. Вилоятимизга ташрифиди ҳам ҳудудда жонланиш кузатилаётганини кўниб гапирдилар. Тадбиркорлик ва қишлоқ ҳўжалиги, бандлик, ижтимоий шароитларга доир долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Очиғи, бугун Президентимизнинг талаби ўзгача. Шунга монанд ташаббус кўрсатиб ишласак, қўлни-қўлга берсак – марра, албатта, бизники бўлади.

Абдусалим МАҲМУДОВ ёзиб олди

ЯРМИ ШАКАР, ЯРМИ АСАЛ

Яқинда юмуш билан Янгийўл деҳқон бозорига киришга тўғри келди. Халқимиз: "Отанг бозор, онанг бозор", деб бежиз айтмайди-да. Бу ердан хоҳлаган нарсангизни топишингиз, бемалол савдолашиб, маҳсулот харид қилишингиз мумкин. Яқинда тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилган мазкур бозорда расталарнинг тартиб билан жойлаштирилгани харидорларга қулайлик яратмоқда.

□ Пишиқчилик

Бозор ораларканмиз, расталарга тартиб билан териб қўйилган гилос, ўрик, кулупнай ва олма меваларининг ширин ҳиди димоғимизга урилди. Улар орасида хандалак, қовун ва тарвузларни кўриб ҳайратимиз ошди. Дастлаб, бу полиз экинлари жанубий вилоятлардан келтирилган бўлса керак, деб ўйладик.

– Бир неча йилдан бери тарвузнинг эртапишар навидан экиб келаяпмиз, – дейди Куйи чирчиқлик Насиба Турдалиева. – Бошида экин парваришида бир оз қийналдик. Аммо, тезда сирини билиб олдик. Ҳар йили биринчилардан бўлиб, маҳсулотимизни бозорга олиб чиқамиз. Шунга яраша даромади ҳам чакимас.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, иссиқхоначилик ва деҳқончиликда йилдан-йилга янги инновацион янгиликларнинг қўлланиши сабабли, мева-сабзавот ҳамда полиз экинлари муддатидан анча олдин аҳолига тортиқ қилинмоқда.

Янгилик эмасми, тарвуз қовун сотилаётган раста олдида харидорлар талайгина. Улардан бирини суҳбатга тортиди.

– Ёзининг илк кунларидаёқ тарвузнинг пишгани чинакам янгилик, – дейди Жамшид ота Низомов. – Қичкина набирам денг, тарвузни жуда яхши кўради-да. Олиб бориб, бир ҳурсанд қилай.



– Бозоримизда жами 1 минг 394 та савдо ўрни бор, – дейди "Ихтисослаштирилган Янгийўл шаҳар деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Мухсин Тешабоев. – Шундан 80 таси мева, 460 та раста сабзавотлар учун ажратилган. Ҳозир кунига ўртача 40-50 тонна картошка, 15-20 тонна пиёз, 7-8 тонна бодринг-помидор ва 5 тоннага яқин мева-чева сотилмоқда.

Зухриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат



Раҳбарободлик ҳомийлар шу ҳудудда яшовчи 3 та хонадонга 5 млн. сўмдан зиёд пул маблағлари беришди. Шунингдек, 15 та хонадонга гўшт, 5 та хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

"Хиёбон" маҳалласида яшовчи 20 та ижтимоий қўмакка муҳтож оилаларга ҳомийлар томонидан 20 млн. сўм пул ва 10 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.



Янгийўл тумани "Баҳор" маҳалласида яшовчи ёлғиз қарияларнинг хонадонига ҳарбий хизматчилар томонидан ҳашар уюштирилди.

А. ҲУСАНОВА тайёрлади

❑ Фармон ва ижро



Мамлакатимизда маҳаллий заргарлик тармоғини тиклаш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо метал-

лардан фойдаланиш имкониятининг берилиши заргарлик буюмлари кескин кўпайишига имкон яратади.

Реклама ўрнида




Сифатли ва рақобатбардош заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоққа чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, республика заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2019 йил 1 июндан бошлаб заргарлик

бўйича лицензияси мавжуд бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқарувчининг рўйхатдан ўтказилган шахсий тамғасини буюмга босиш шарти билан давлат асиллик даражаси белгисини мажбурий равишда қўймасдан ўзи ишлаб чиқарган, заргарлик ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларнинг асиллик даражасини мустақил белгилаш ва уларга белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси изланиши қўйиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, заргарлик буюмларини ишлаб чи-



қарувчи лицензияга эга яқка тартибдаги тадбиркорлар ўз маҳсулотларини мустақил сотиши, аҳолидан қимматбаҳо металл парчалари, қимматбаҳо тошлар ва буюмларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Давлат улуши бўлмаган ёки давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган тадбиркорлар ишлаб чиқаришда қим-

матбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни сарфлаш, ҳисобини юритиш ва сақлаш тартибини мустақил белгилайди.

Жисмоний шахслар қиймати 5 минг доллардан кўп бўлган заргарлик буюмларини декларация тўлдирган ҳолда Ўзбекистондан ташқари олиб чиқиши мумкин бўлади.



Заргарлик соҳасидаги тадбиркорлар "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмасига ихтиёрий аъзо бўлса, уюшма аъзоларининг имтиёз ва преференциялари уларга ҳам татбиқ этилади.

Шунингдек, 2019 йил 1 июндан қимматбаҳо металлларни сотиб олиш учун берилган банк кредитлари бўйича фоиз харажатлари Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланади.

Тижорат банклари ва зар-

гарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга бир нечта ҳуқуқлар берилди. "Навоий КМК" ДК ва "Олмалик КМК" АЖдан қимматбаҳо металлларни ўлчов пластиналари кўринишида, 5 грамм ва ундан ортиқ бўлган грануларни

Лондон қимматбаҳо металл биржасининг тонги фиксинг асосида сотиб олиш, шунингдек, сотиб олинган металлларни бошқа заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларига сотиш мумкин. 2019-2023 йилларда заргарлик тармоғини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

2020 йил охиригача ҳар бир ҳудудда камида иккитадан, Тошкент шаҳрида эса камида 10 та замонавий заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилади.

Жаҳонгир НОСИРОВ,
Вилоят иқтисодий ва саноат бош бошқармаси бошлиғи

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ

❑ Дарвоқе

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 июндаги 460-сонли қарори билан Йўл ҳаракати қоидаларининг 138-банди (қўннинг ёруғ вақтида барча автомобилотранспорт воситалари яқини ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шартлигига оид талаби 2021 йил 1 январдан бошлаб қўйиш киритилиши белгиланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

ТўЛАНМАГАН ЖАРИМАЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ...МИ?

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Кундузи чироқ ёқиб юришга оид қоида расман қўйилган кундан то 4 июнь (ушбу талаб бекор бўлган кун)га қадар кундузи чироқ ёқиб юрмаган ҳайдовчиларга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий баённомаларнинг тақдирини нима бўлади?

Бу саволга ҳуқуқшунослар Хушнуд Худойбердиев ва Дилшод Абдуқодиоровлар ўзларининг kpn.uz да эълон қилинган мулоҳазаларида жавоб излашган.



– Ушбу саволга жавоб беришдан аввал, – деб эсдади муаллифлар, – масаланинг бошқа бир жиҳатига эътибор қаратамиз. Яъни, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 апрелдаги 292-сонли қарори билан Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг 138-банди "Қўннинг ёруғ вақтида барча автомобилотранспорт воситалари яқини ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шарт", дея янги тахрирда баён этилди.

Эътибор бериш керак бўлган жиҳати шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 4 июнь куни қабул қилинган 460-сонли қарориди Йўл ҳаракати қоидаларининг ушбу банди (138-банд) ўзгартирилмади ёки бекор қилинмади. Фақат Ички ишлар вазирлигига 1 ой муддат ичида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш вазифаси юкланди. Яъни, йўл ҳаракати қоидаларининг қўннинг ёруғ вақтида чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шартлиги ҳақидаги қоида ҳозирча ўз қучида турмоқда, ҳали бекор бўлмади.

Бундай вазиятда ҳуқуқий жиҳатдан қайси бирига амал қилиш керак? 9 апрелдаги қароргами ёки 4

июндаги? Бирида ёқиб юр дейилган, иккинчисиди 2021 йилгача ёқмаса ҳам бўлади, дейилган.

Бундай ҳолатда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қўннинг 16-моддаси бизга ёрдамга келади. Унда айтиладики, тенг юридик қучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қўннинг амал қилади. Демак, гарчи иккита қарор бир-бирига зид бўлсада, 4 июндаги қарор юридик қучга эга бўлади ҳамда чироқларни бемалол ёқмай юриш мумкин (айрим ҳолатлардан ташқари).

Бевосита асосий масалага қайтайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексининг 9-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиқни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқали қайта қўйиш қучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир.

Кодекснинг 271-моддасига кўра, маъмурий жавобгарлиқни белгилловчи ҳужжатнинг бир қисmini ҳам тушуниш керак. Яъни, 9 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори тўлиқ бекор бўлмади, лекин айнан ҳамма машиналар кундузи чироқ ёқиб юрсин деган мажбурий бекор қилинди (2021 йилгача узайтирилди).

– Қўннинг юқоридаги талабларидан келиб чиқиб, ҳулоса қилиш мумкинки, 2019 йил 4 июнга қадар ҳайдовчиларга нисбатан кундузи чироқ ёқиб юрмагани учун расмийлаштирилган маъмурий баённомалар бекор қилиниши ва маъмурий баённома бекор бўлишининг ҳуқуқий оқибатлари қўлланиши лозим, – дея ҳулоса қилишди ҳуқуқшунослар.

БОЛАЛАР БОР ЖОЙДА КАТТАЛАР ХУШЁР ТУРИШИ ЛОЗИМ

Мана, ёзги таътил кунлари бошланди. Аксар болалар таътилни соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларида ўтказадилар. Ушбу масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим. Бу вазифа оромгоҳ раҳбарлари зиммасига юклатилади.

❑ 101 огоҳлантиради



Улар биринчи навбатда қўйиладиган эътибор беришлари лозим: – ётоқхоналар ёнғини зудликда сезувчи ва хабар берувчи мосламалар билан таъминланиши; – ёнғин ҳақида хабар бериш мақсадида радиоэшиттириш тармоғидан фойдаланишда кеча-кундуз ишлайдиган репродуктор (радиоканал)лар ўрнатилиши; – яқин орадаги ёнғин ўчириш қисми билан боғлиқ учун телефон алоқасини ўрнатиш; – стол, тумбочка ва каравотларни ётоқхоналардаги кириш-чиқиш эшикларини тўсиб қўймайдиган

қилиб ўрнатиш;

– барча тарбиячи, тиббиёт ва бошқа ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқнома ўтиш;

– ёнғин рўй берган тақдирда оромгоҳнинг ҳар бир ходимига аниқ вазифа белгиланган ҳолда эвакуация режасини ишлаб чиқиш;

– электр иситгич асбобларидан тўғри фойдаланишни мунтазам кузатиб бориш, шунингдек, қатъий тақиқланган жойларда улардан фойдаланишга йўл қўймаслик;

– оромгоҳ ҳудуди ва бинолари бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан тўлиқ жиҳозланишини таъминлаш;

– оромгоҳ хизматчиларининг тунги навбатчилигини ташкил этиш, уларни қўл-электр чироқлар билан таъминлаш;

– оромгоҳ ҳудудидан ёнувчан

чиқиндилар ҳар кун ийғиштирилиб, алоҳида ажратилган жойларга олиб чиқилишини назорат қилиш; – гулхан ёқиб тадбирини туман ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан келишилган ҳолда ўтказиш; – гулхан ёқиладиган майдон бинолардан камида 100 метр узоқ масофада бўлиши, керакли микдорда ёнғин ўчиргич ва бошқа бирламчи ёнғин ўчириш воситаларини тахт қилиб қўйиш;

– тоғларда байрам гулханини ёқиш учун ҳудудий ўрмон хўжалиги ходими билан аввалдан келишиш, гулхан атрофи 1,4 метр кенгликда чопилиши ва 25 метр радиусда қуруқ ўтлардан тозалаш қўйилиши керак;

– байрам тугагандан сўнг гулхани сув орқали ўчириш ва тупроқ билан қўйиб ташлашни назорат қилиш.

Шунингдек, оромгоҳ ҳудудидида чекиш, очик оловдан фойдаланиш ман этилади. Мазкур қоидаларга тўлиқ амал қилинишига оромгоҳ раҳбари ва хизматчилар жавобгарлар.

Мурод ҒАҒУРОВ,
Янгийўл тумани ЁХБ катта инспектори

ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ВА УЛГҲРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 31 майда "Ёқилғи-энергетика ресурсларининг айрим турлари учун тариф сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 452-сонли қарори эълон қилинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Ёқилғи-энергетика ресурсларини сотиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича бозор механизмларига ўтишнинг истеъмолчиларга таъсирини енгиллаштириш, ёқилғи-энергетика ресурслари учун нархларни белгилашда мутаносибликни ҳамда уларнинг мақбуллигини, шунингдек, ёқилғи-энергетика комплекси ташкилотларининг ресурсларини ишлаб чиқаришда рентабелликка эришган ҳолда мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш ҳамда соҳада тариф сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади.

1. Белгилансинки: ўз фаолиятини республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширмайдиган ва маънавий эскирган ҳамда тежамкор бўлмаган қозон агрегатларини алмаштирмаган ташкилотларга нисбатан 2019 йил 1 июндан бошлаб, фойдаланилган табиий газ учун ҳақ тўлаш бўйича амалдаги тарифларга нисбатан оширилган коэффициент 2,0 дан 1,2 гача камайтирилади, аҳолига иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув таъминоти хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар бундан мустасно; мазкур қарор қучга киргунга қадар электр энергияси

(актив ва реактив энергия учун) ва табиий газ ҳажмлари учун аванс тўловлари амалга оширилган тақдирда, истеъмолчилар (аҳолидан ташқари) тариф ўзгарганда тўлов амалга оширилган кундан эътиборан кейинги 2 ойдан кўп бўлмаган муддатга қўшимча тўловлардан озод этилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг "Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нарх ва тарифларини босқичма-босқич ўзгартириш тўғрисида"ги 2018 йил 1 ноябрдаги 897-сонли қарориди назарда тутилган табиий газ учун та-

рифларнинг, суюлтирилган газ ҳамда электр энергияси учун нархларнинг 2019 йил 1 июндан бошлаб оширилиши бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда "Ўзбекнефтегаз" АЖ ва электр энергетика ташкилотларининг рентабеллигини таъминловчи энергия ресурслари учун амалдаги тарифларни қайта кўриб чиқиш бўйича бир ой муддатда асосланган таклифлар киритсин.

Билиб
қўйган яхши

**ХАҒАҚОННИНГ
ДАВОСИ ЙЎҚ,
ЛЕКИН...**

Агар сизда қон босими юқори бўлса, у ҳолда қўйидагиларга амал қилинг:



1. Асабийлашманг. Ҳамма нарсани бир вақтда бажарман, деб ўзингизни уринтириб қўйманг, бақир-чақир қилманг, шовилманг.

2. Қон-томир склерозига сабаб деб топишган нарсалар: спиртли ичимликлар, ҳайвон ёғи (мол чарвисини), шакар, маргарин, ёғли сут маҳсулотлари, жигар, дудланган маҳсулотлардан сақланган.

3. Мевалар, қора нон, ловия, нўхат, соя, кунга-боқар ёғи, гуруч, денгиз маҳсулотлари, қатиқ, айрон, мева шарбатлари истеъмол қилиш мумкин.

4. Уйкуга ётишдан камида 2-3 соат олдин овқатланманг.

5. Жуда шўр, ҳаддан ташқари ширин нарсалар истеъмол қилманг.

6. Ҳар хил қўрқинчли киноларни, асабга тегадиган кўрсатувларни кўрманг.

7. Уйкудан олдин тоза ҳавода бир оз сайр қилинг, сўнгра илиқ ванна қабул қилинг.

8. Эрталаб бир стакан илиқ сув ичинг.

9. Жисмоний тарбия билан шуғулланг. Ҳеч бўлмаганда 5-7 километр пиёда юринг.

10. Сабрли, хушчақчақ, меҳрли бўлинг. Бошқаларга ҳасад қилманг. Шунда Яратганнинг изни билан бу дарддан халос бўласиз.

@haqiqatonline

□ Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Шош-Илоқ илмий-этнографик экспедицияси кейинги беш йил давомида Тошкент вилоятининг қирқдан зиёд аҳоли истикомат қиладиган жойларини айланиб чиқди. Экспедиция таркибида таниқли олимлар, хусусан, архео-

логлар, архитекторлар, геологлар, ўлкашунослар, журналистлар, дизайнерлар фаолият юритмоқдаки, халқаро "Олтин мерос" жағмармаси вилоят бошқармаси улар билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда.

КЎҲНА ОБИДАЛАР МОЗИЙДАН СЎЗЛАЙДИ

Таъкидлаш жоизки, илмий-тадқиқотлар кўпдан буён давом этаётганига қарамай, ҳудуддаги мавжуд қадимий ёдгорликларнинг аниқ сони ҳанузгача маълум эмас. Биз 700 дан зиёд маданий мерос объектлари борлигини тахмин қилиб келамиз. Аммо, бу рақамлар ўтган юзйилликнинг 70-йилларида, яъни ярим аср бурун маълум қилинган эди. Уша пайтда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ҳамда Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти ходимлари Маданият вазирлиги вакиллари иштирокида археология, архитектура, монументал санъат ёдгорликлари ва тарихий жойларни рўйхатга олиш соҳасида катта ишлар қилишди.

Ушанда Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти ва Ўзбекистон Фанлар академияси-

нинг археология институти вилоятимиз археологик ёдгорликларининг илк харитасини нашр этди. Орадан қарийб ярим аср ўтган бўлсада, биз ҳамон ўша маълумотлардан фойдаланиб, боз устига ўша рақамларни узил-кесил аниқланган сўнгги маълумотлар деб ҳисоблаб келамиз. Ҳолбуки, мазкур маълумотларни эълон қилган ўша археолог олимларнинг ўзлари: "Буларни охиригача аниқланган сўнгги рақамлар деб ҳисоблаш керак", деб таъкидлашган.

М. Муссон, Я. Фуломов, М. Қосимов, Ю. Бураков, У. Исмоилов, М. Мирғиёсов каби олимларнинг кўп йиллик тажрибаси шу жиҳатдан ғоят бебаҳоки, бугун космопономик суратга олиш ва у ёки бу объектнинг жойини аниқ белгилаб берадиган ускуна ва воситалар у пайтларда бўлмаган.

Ҳозирги кунда археологлар ишини энгиллаштираётган интернет ҳам бўлмаган.

Агар экспедиция аъзолари ҳар сафар қадимий шаҳарлар ўрнини, айниқса, улар тоғли ҳудудда бўлса, қадам-қадам босиб ўтишганини ҳисобга олсак, уларнинг меҳнати қанчалик машаққатли бўлганини тушуниб етамиз.

Ўтган йил ҳам археологлар учун ғоят маҳсулдор бўлди. Хусусан, Оҳангарон туманида 20 дан зиёд қадимий ёдгорликлар аниқланди. Бу ёдгорликлар жойлашган ҳудудларни синчиқлаб ўрганиш керак. Шу ўринда аввалги экспедициялар излаб топилб, аниқланган объектлар ҳақидаги маълумотларнинг бугунги кунда нақадар қимматли эканини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

2017 йилда Нурекотасой дарёсининг бошланиш қисмигача давом этган экспедиция энг эсда қоларлиси



бўлди. Бу жойлар жуда хил-ват бўлиб, қадимий ёдгорликлар қалин ўсимлик ва маҳобатли дарахтлар билан қопланган. Бу ердан ўтган қадимий қарвон йўллари-нинг икки томонидан бир эмас, бешта археологик объект топилгани бениҳоя қувончли воқеа бўлди. Жуда яхши сақланган мазкур қадимий шаҳар ўрни энди тадқиқотчиларни кутмоқда.

Қадимий ёдгорликларни излаш, топиш ва белгилаш ҳамон изчил давом этмоқ-

да. Урғозсой ва Кандирсойнинг юқори қисмидаги табиат сир-синаотлари билан бўлиб-тошган ёввойи жойлар экспедиция иштирокчиларини ҳали узоқ вақт ўзига мафтун қилиши кутилаяпти. Овжасойнинг бошланиш қисмида бир нечта жуда чиroyли кўҳна шаҳар ўрнлари топилди.

Ҳаёти ва фаолияти беҳисоб ривоят афсоналарга йўғрилган буюк тарихий шахс Ҳазрат Али билан бошланган муқаддас қадамжода

бўлган киши қандайдир ғайриодатий қудратни ҳис этади, вужудини хуш кайфият қамраб олади. Бу ерда ҳамма нарса – мингйилликлар тенгдоши бўлган кўҳна тошлару дов-дарахтлар, турфа гуллару қушлар ўзаро уйғунликда яшайди. Деярли ўткир бурчак шаклида бўлган катта кўҳна шаҳар қолдиқлари бизни хайратга солди. Чор-атрофдаги кўз илғар нарсаларнинг ҳаммаси ўзгача. Йилнинг совуқ давларида боғлар чаман бўлиб гуллаган. Тоғ булоқларининг суви иссиқ. Ҳудудда боқий тинчлик, сокинлик ҳукмрон.

Буларнинг ҳаммасини маҳаллий халқ Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг куёви Ҳазрат Алининг номи билан боғлайди. Тарихдан маълумки, Ҳазрат Али қадимги баҳодирлар кўрсатган қахрамонликлар ҳақидаги сон-саноксиз ривоят ва афсоналарнинг қаҳрамони. Бу жасур жангчи Зулфиқор аталмиш муқаддас қиличнинг соҳиби, афсонавий Дўлдур лақабли тулпорнинг эгаси. Уша афсона ва ривоятларда келтирилишича, Ҳазрат Али бу ерларда ҳам ўз изини қолдирган...

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос"
хайрия жағмармаси вилоят
бошқармаси бошлиғи

■ Туйғу



А. С. Пушкин

Тул

Қуриган, ҳиди йўқ,
унутилган гул –
Китобни очаркан қўриб
қолдим мен.
Ғалати ҳаёлга тўлди-да кўнгил
Паришон термулиб, туриб
қолдим мен:

Қаерда ва қачон, қайси
баҳорда –
Гуллаган? Узоқми? Ким узди
экан?
Ёт қўлми, танишми узган
наҳорла.
Нима учун бу ерга қўйди экан?

Нозик бир висолнинг
эсдалиғими.
Ёки шум айрилиқ –
фироқ ёдгори?
Ёки тинч саҳрода, ўрмон
соясиди
Ёлғиз сайр, томоша
хотиралари?

Тирикмикан йигит,
тирикмикан қиз?
Шу пайтда уларнинг қайда
гўшаси?
Ёки шу қуриган – сўлгин,
белгисиз
Гул каби сўлдими ҳар
иккаласи.

МИРТЕМИР таржимаси

□ Шанба сабоқлари

ДАЙДИ ЎФИЛ НАДОМАТИ



Хатда фақат шулар бор эди:
"Ўғилгинам бугун ўзимни жуда ёмон ҳис қиляпман, қачон келсанг ҳам мени уйғотиб... шифохонага олиб боргин, сендан илтимос..."

«Ибратли ҳикоялар»
туркумидан

ЯХШИЯМ
ТУФИЛГАН
ЭКАНСАН,
БОЛАМ!

Соат тонги 03:30 эди. Унинг телефони жиринглай бошлади. Ўстиқдан минг машаққат билан бошини кўтариб, кўнгиракча жавоб берди:

– Эштанаман! Кимсиз?
– Менман, ўғлим. Онангман!

– Уфф, она, Худо хайрингизни берсин! Кошки билсангиз эди, эртага қиладиган қанчалик муҳим ишларим бор.



– Ҳалиги... Ўғлим...
– Нима? Мени шу пайтда уйғотадиган нима муҳим ишингиз бор? Эрта-лаб кўнгирак қилсангиз ҳам бўлаверарди-ку?

Она ўғлидан бу совуқ муомалани эшитиб қаттиқ ўксинди. Йиғламоқчи бўлган бир овозда:

– Бундан роппа-роса ўттиз беш йил аввал шундай тун ярмида – 03:30 да сен ҳам мени уйғотган эдинг! Яхшиям туғилган экансан, болам! Сени яхши кўраман! – дея телефонни ўчирди.

Турк тилидан Фатима
АЛИЙ таржимаси

Янги тўқимачилик комбинати қурилиши ҳақида газетада бир саҳифалик тантанавор мақола берилган, телестудиядагилар ҳам бирдан энг шимариб қолишди. Бош муҳаррир мени ҳузурига чақириб, бу жойдан шошилишч кўрсатув тайёрлашимни топширди.

Ишни бизни илиқ кутиб олган қурувчилар-у, зарур ашёларни қурилишга узлуксиз етказиб беришга эришадиган турнақатор машиналарни суратга тушириш ва кўпиртириб изоҳлашдан бошладим:

– Қўриб турганингиздек, энг

идорасидаги калладор зотлар бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўрсалар чакки бўлмасди.

Қурилиш раҳбари Дўмбоқовни яқинда мукофотга берилган шахсий "Жигули"сига ўтираётган чоғда учратдик. Бу камтарин инсон телеэкранда кўрак керишдан иймангандек, "ҳақиқий қахрамонимиз – оддий ишчилар, ўшаларни суратга олинглар", дея бошқармадаги йиғилишга жўнаб кетди.

Азамат бинокорлар бу муҳим объектни шу йилнинг биринчи апрелида, яъни муддатдан икки ой илгари фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар. Буни эши-

бундоқ деб борсам... Бурд деган нарсга қаёқда қолади?!

Администратор қиз қўйиб узатган тўқсон бешинчи чойни бир-икки симиришим билан каллам ярқ этиб ишлаб кетди. "Нега энди бошқатдан суратга тушириш керак экан, – деб ўйладим мен, – тап-тайёр тасвирлар турибди-ку!" Шартта қоғоз-қалам олиб, янги жумлалар туза бошладим:

– Қурувчилар бемаврид келганимиздан ўнғайсизланиб, бизни сохта илжайиш билан кутиб олишди. Ахир юки соатлаб бўшатиладим, маҳит остонасидаги қалишлардек тизилиб ётган манави ма-

қўйилган. Қарангки, прораб Лайлоевнинг ўзи бекор вақиллашда уларга ўрнак бўлиб турганининг устидан чиқдик.

Мана бу эса, қурувчиларнинг овқатланиш жойи. Ишининг бош-учи йўқ боқибегамларга шундай шинам ош-хона қуриш шартми-ди? Тагин ҳар бир текинхўр учун беш хилдан овқат тайёрланаётгани-чи? Менимча,

қўли гул пазанда Камолхонунинг нега қоғоғи уйилиб турганини тушуниш қийин эмас – қоғоқ участканинг хўрандалари ҳаддан зиёд талтайтириб юборилмаётганимикин? Район умумий овқатланиш идорасидаги ўртоқлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришса, чакки бўлмасди.

Қурилиш раҳбари Дўмбоқов бизнинг дарағимизни эшитиб, қандайдир йўллар билан мукофотга олган зийнатдор "Жигули"сига қочиб қолди. Балки ҳамма айбни оддий ишчиларга ағдариб, бу сафар ҳам бошқармадаги ҳомийларнинг паноҳига ошқабатгандир?

Бу муҳим объектни шу йилнинг биринчи апрелида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Аҳвол шундай давом этса, келгуси йилда битиши ҳам амримаҳол. Шулар ҳақида ўйлаб, ушбу харобадан қайтар эканмиз, мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёйиши лозим бўлган қайта қуриш жараёнининг тақдирни бизни қаттиқ ташвишга солди...

Мана, бугунги гаплар кечаги суратларга бинойидек ёпишди-қолди. Журналист маҳорати дегани бундан ортиқ бўладими? Қаламга қойил-э! Тўқсон бешинчи чойга офарин-э!

Анвар ОБИДЖОН

ТЎННИ ТЕСКАРИ КИЙИШ

замонавий кранлар ўрнатилгани қарвон-қарвон юк машиналарини ўз вақтида бўшатиш имконини бермоқда. Айниқса, оилавий пудрат асосида ишлашга ўтган Қовунчиев ва Кабановлар сулоласи сифату тежамада барчага намуна бўлаётгани бизни қувонтирди. Беш йиллик зарбдорлари ҳисобланган Маркаев, Жалоладзе, Пак ва Пападануло ўртоқлар махсус қурилган чекиш қаласида ҳам бекор ўтиришгани йўқ – прораб Лайлоев билан навбатдаги режалар тўғрисида қўйиб-пишиб суҳбат қуришяпти.

Мана бу эса, қурувчилар овқатланидиган ошхона. Бир неча юз кишилиқ улкан коллективга бу каталак торлик қилмасмикан? Қолаверса, ошхонада бор-йўғи беш хил овқат тайёрланар экан. Тепса тебранмас бош ошпаз Камолхонундан бунинг сабабини суритирганимизда, қоғоқ-тумшуғи осилганича лом-мим деёлмай қолди. Район умумий овқатланиш

тиб, шижоаткорлар масканидан дилимиз завқ-шавққа тўлиб, мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёйган қайта қуриш жараёнининг муқаррар ғалабасига ишончимиз янада мустаҳкамланиб қайтдик...

Эртаси барвақт ишга келиб, монтажни эндигина тугаллаган эдикми, яна бош редактор йўқлатиб қолди. Борсам, турки бежо.

– Ишлар чатоқ, – деди у. – Кеча кечкурун министриликда бўлган йиғилишда тўқимачилик комбинати қурилиши қўзиб юборилаётгани қаттиқ танқид қилинибди, газетада асоссиз макталгани кўрсатиб ўтилибди. Энди бориб, бошқача кўрсатув тайёрлайсиз. Аямай дўппосланг, хумпарларни. Топшириқ шунақа.

Хонага шалвиранимча қайтиб, юракни чангаллағудек аҳволда креслога чўқдим: бу қанақаси – кеча ундоқ деб борсам, бугун



шиналар фонида суратга тушишга кимнинг тоби бор? Тўғри, кранлар энг замонавий, аммо иш усули ҳануз эскичилиги қаттиқ панд бермоқда. Интизом султиги, ўзаро талабчанлик йўқлигининг боиси шуки, бу ерда қариндош-уруғчилик кучайиб, ҳаммаёқни Қовунчиев ва Кабановлар босиб кетган. Бу ҳам етмагандек, Маркаев, Жалоладзе, Пак ва Пападанулога ўхшаган тақасалтанларга махсус кашандалар жойи қуриб



Уч ханда

– Адаси, манави пиёда жонидан тўйганми? Нега машинанинг олдида югуриб кетаяпти?

– Машинани пиёдалар йўлагидан эмас, машиналар юрадиган йўлдан ҳайдасанг яхши бўларди.

Одамлар банкот олдида навбатда туришса, орқадан бир киши бақирармиш! – Мени ўтказиб юборинглар! Бўлмаса ҳозир бошларингни устидан юриб кетаман!

Навбатда турган бир кал одам қўлига туғлаб, бошини силабди-да: – Йиқилиб тушгин, – дебди.

Бозорда назоратчи сотувчига:

– Манави со-таётган бали-гингизни хужжати борми?

– Хужжати? Қанақа хужжат? Ўлими тўғрисида гувоҳнома керакми?!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат

ШЕРАЛИЕВ

Манзилими:

115500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги
офисимиз:

100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почталар:

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

th-aqiqat@umail.uz // th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета "Тошкент ҳақиқати"
тахририяти компьютер марказида
териял ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаххих
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Зухриддин РАҲМОНОВ